



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 103 (8843).

23 май
1986 йил
жума

Баҳоси 3 тийин.

К П С С МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

21 май кунин КПСС Марказий Комитетиди машина-созлик тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини ошириш масаласига бағишланган кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаши ишда Н. И. Рижков, Л. Н. Зайков, Н. В. Тализов ўртоқлар, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари А. К. Антонов, И. С. Силаев, Ю. Д. Маслюков, Г. И. Марчук, СССР министрлари, Давлат комитетларининг раислари, КПСС Марказий Комитетининг маъсул ходимлари қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

Кенгашида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ната нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин мамлакатда машинасозликнинг ривожлантиришининг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача мўлжалланган умумдавлат прогн а м а с и н и амалга ошириш борасида актив иш авж олдириб юборилганлиги кенгашида қайд этиб ўтилди.

Машинасозлик тармоқлари барқарор ишлаш режимида чиқиб олди. Бунда ишта муносабат ўзгарган, меҳнат коллективлари янгиланиши излашга актив қўшилган.

илгор техника ва технологияни конструкциалаш, ишлаб чиқариш ҳамда ўзлаштириш вазифаларини таъаббускорлик ва маъсулият билан ҳал этаётган жойларда энг кўп муваффақиятга эришилмоқда.

Машинасозлик тармоқларини юқори сифатли материаллар ва буюмлар билан таъминлашга, станоксозликни яна ҳам тезроқ юксалтиришга, шунингдек приборсозлик, электр техника ва электроникани устун даражада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Ҳар бир институтда, ҳар бир конструкторлик бюросида фантехника революциясининг шитиб билан ривожланиб бораётганлигини эътиборга олиб, техникавий даражага объектив баҳо бериш системасига эга бўлиш зарур. Ватанимиздаги ихтироларни жадаллик билан жорий этишга алоҳида эътибор бериш, фан-техника ахборотининг бутун системасини яхшилаш керак.

Машинасозлик министрликларининг, бирлашмалар ва корхоналарнинг раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар қисқа муддатларда принципал муҳим вазифани ҳал этишлари — ватанимиз машинасозлигини жаҳондаги илгор марраларга олиб чиқишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

(ТАСС).

АТЕИСТИК ТАРБИЯНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Меҳнатқашларини илмий-атеистик руҳда тарбиялаш партия идеологияси кишининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Коммунизм қурувчиси бўлган совет кишининг янги қиёфаси, унинг юксак ахлоқи ва дунёқараш ўткиш сарқитларига қарши доим мurosасизлик билан олиб борилаётган курашда тарбия топмоқда. Ўткиш сарқитларини таъсирдан қутулган, материалистик дунёқарашга эга бўлган, халқлар дўстлиги ва интернационализм руҳида тарбияланган актив курашчи ва меҳнатқаш янги совет кишини шакллантирган тузумимизнинг катта ютуғидир.

Лекин шунга қарамайдан меҳнатқашларнинг маълум бир қисми орасида диний сарқитлар таъсири ҳали ҳам яшаш келмоқда, улар совет кишининг социалистик турмуши ва меҳнатига ҳалал бермоқда. Шунинг учун партия динга қарши кураш ва атеистик тарбия соҳасидаги ишни бир дам сусайтирмай, ҳужумкорлик билан олиб боришни ҳозирги кунининг ақтуал вазифаларидан бири қилиб қўймоқда.

Областимиздаги ҳозирги аҳоли айрим партия ташкилотлари кейинги пайтларда атеистик тарбияни ўз ҳолига ташлаб қўйганиликларини кўрсатмоқда. Масалан, Бекобод районидида Мавлонов номи совхоз, «Коммунизм» колхоз, Ғалаба районидида Киров номи, Ленин номи колхозлар, Ўрта Чирчиқ районидида Карл Маркс номи колхоз, тикувчилик фабрикаси, Чиноз наслилик совхоз-техникуми, Янгийўл районидида пахта заводи ва бошқа жойлардаги партия ташкилотларини кейинги ўн йил мобайнида атеистик тарбия масалаларини бирон марта муҳокама қилмаганлар. Бу масала кўпгина ташкилотларнинг иш планларида ҳам ўз ифодасини топмаган. Жумладан, Пискент районидида кўпчилик бошланғич партия ташкилотларининг бу йилги иш планларида атеистик тарбия масаласи четлаб ўтилган. Натикда аҳоли ўртасида диний расм-русумларни бажо келтириш камаймаяпти. Калинин район партия комитети ва райондаги кўпгина партия ташкилотларида ҳам бу муҳим идеология иши унутиб қўйилмоқда. Районда атеистик тарбия олиб борувчи кадрлардан етарли фойдаланилмапти. Республика атезм укиннинг шу районга жойлашган область филиали ҳузуридаги илмий атезм университетда ҳар йили 50 дан ортқ лектор тайёрларилкан ўтади. Бирок улар амалий ишта жалб қилинмапти.

Атеистик ишдаги бефарқлиги, эътиборсизлиқдан диндорлар, диний расм-русумлар орасида кун кўрувчи ҳар хил таъмагир ва қаллоблар фойдаланиб қолмоқдалар. Областимизнинг Бўёк, Бўстонлик, Паркент, Чиноз районларида ана шу хилдаги фактларга дуч келиш мумкин. Бу жойларда партия ва совет ташкилотлари атеистик ишни кучайтириш юзасидан назарда тутилган тадбирларини амалга оширмаптилар, диний сарқитларга қарши курашдаги маъсулиятини ҳис қилмаптилар.

Диний расм-русумларда баъзан коммунистлар, раҳбар ходимларнинг ўзлари ҳам қатнашаётганлиги тарбия ишига жиддий зарар келтирмоқда. Бу гоийат беқарорлик, принципсизлик, иккиюзламачилик, қолоқ қарашлар искемсансига тушиб қолишдан бошқа нарса эмас.

«Биз, коммунистларга, ҳар ҳаётдан — ишда ва ҳуқуқ-атворда ўрнат, деб қарайдилар. Меҳнат ахли бизнинг ҳаётиимиз ва ишамизни кўриб, «аҳ, бу ҳақиқий коммунизм» — деб айта оладиган бўлсин». Ўртоқ М. С. Горбачевнинг КПСС XXVII съезди мнбаридан айтган ана шу сўзлари доимо ёдимдада турши керак.

Атеистик ишни чўқур ўйлаб, узок муддатга мўлжалланган план асосида изчиллик билан олиб бориш керак. Барча партия ташкилотлари меҳнатқашлар ва аҳолининг турли тоғфасини ҳисобга олиб, комплекс иш планларини тузиб чиққан бўлишлари лозим. Диний сарқитлардан халос бўлиш учун кўпгина социал-иқтисодий ҳамда маънавий характердаги тадбирларни амалга оширишга тўри келади. Янги тахрирдаги КПСС Программасида таъкидланганидек, «Кишинларнинг меҳнат ва иқтисодий активлигини ошириш, уларни маърифатли қилиш, янги совет маросимларини ва одатларини кенг ёйиш — атеистик тарбиянинг энг муҳим таркибий қисмидир. Масала ана шу тарзда қўйилганлиги бежиз эмас. Айнан онгли ижодий меҳнат совет кишининг юксак маънавий физиопаттерини шакллантиради.

Шу муносабат билан ишта ароқли бутун аҳолини иқтисодий-фойдалан меҳнатга тўлиқ жалб этишнинг аҳамияти нисхотда муҳимдир. Бирон бир таъйини ерда ишланмайдиган кишилар идеология таъсирдан албатта четда қолади. Меҳнатсиз даромад ҳисобига яшайдиган бу хил шахслар ҳар хил гафр-қонунини ишлар билан шугулланиб, техникучил билан кун кўрибгина қолай, ўткиш сарқитларининг авж олишига имконият яратадилар. Бунга йўл қўймаслик учун ҳар бир маҳалла, кварталда, турар-жой массивларида жамоатчилик таъсирини кучайтириш, аҳоли билан яқна тартибда иш олиб бориш формасидан самарали фойдаланиш лозим. Умри тутанган маросимларини ҳаётдан суриб чиқариб, янги атеистик маъмулдаги анъаналарни астойдил амалга ошириш айни мўдадир. Кейинги пайтларда бу борада пойтахтимиз маҳаллапаридида муайян тажриба тўпланди. Янги маросимларини жорий этишда С. Раҳимов районидида Беруний номи маҳалла комитети [раиси Т. Қосимов], Акмал Икромов районидида «Шарқ юлдузи» [раиси А. Умархўжаева], Октябрь районидида «Янги шахар» маҳалла комитети [раиси Х. Мелиқулов] ва бошқалар намуна бўлишлари мумкин. Бу ўзига хос микромуҳитларда диннинг ва рўқонийларнинг салбий таъсири тобора камайиб бормоқда.

Атеистик тарбияни яхшилаш учун маданият ва спорт муассасаларини ролини ошириш лозим. Ленин уларнинг фаолияти ҳозирги талабаларга жавоб берамапти. Тошкент шахри, Бекобод, Чиноз, Янгийўл ва бошқа районларнинг клублари ва маданият уйлари, кутубоналарида атеистик тадбирлар калдан-кам ўтказилмоқда. Уларда лекторий, киноленторий, халқ университетлари, кўча клублар сингари пропагандининг таъсирчан формалари ривожлантирилмаган. Бадий коллективларнинг репертуарларида ҳам атеистик мавзуга деярли эътибор берилмайдди. Касаба союз ташкилотлари, маданият ва спорт муассасалари аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш, меҳнатқашларнинг бўш вақтлари ва дам олишларини кўнгил-қўн ташкил этиш борасида ўз фаолиятларини яхшилашлари лозим.

Атеистик ташвиқот олиб борувчи лекторлардан катта маъсулият талаб қилинади. Уларнинг лекциялари ҳақиқия ҳам ўз олдига қўйган мақсадни бажармапти, деб бўлмайди. Бу хилдаги лекциялар, савол-жавоб кечаларига динга ишонувчилар айн иккиюзламачилар деярли жалб қилинмайдди. Атеистик пропагандада умумийлик, юзакчилик кетмайдди. Ҳар бир гап ишонарли, конкрет ҳаёт билан боғланган, таъсирчан бўлиши керак.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг ХХI съезди талабларини асосида атеистик тарбияни кучайтириш масалаларида бағишлаб ақинда ўтказилган область партия активи йилгилишда жойлардаги мавжуд камчиликларни очиб ташлаш, идеология кишининг бу муҳим соҳасидаги вазифалар конкретлаштириб берилди. Йилгилишда таъкидланганидек, атеистик тарбиянинг самарадорлиги аҳолининг сиёсий ва меҳнат активлигини оширади.



♦ ТОШКЕНТ районидида Охунбобоев номи колхозининг А. Абдукаримов етказилик қилаётган бригадаси аъзолари бу йил 22 қўн ипак қўртини парвариш қилишпти. Пиллакорлар бригадаси ҳар қўн урувдан 70 килограммдан «кумуш тола» еттиштиришга сўз берганлар. Суратларда (чапдан) бригада аъзоси А. Бахромов ва бригадир А. Абдукаримов ўртоқлар барг сифатини қўздан кечиршишмоқда. (Ўнгда) моҳир пиллакор Ҳадича Яхёева қўртларга озуқа тарқатмоқда.

Ж. Тўраев фотолари.

Тўрт кун социал, маданий-маиший объектлар қурилишида ишлаймиз! Ўзимиз ва фарзандларимиз учун

шимча 50 та саялка, 100 та мослама тайёрлашимиз лозим.

Коллективимиз меҳнат ахли ўртоқ М. С. Горбачевнинг Волжск автомобил заводи ишчилари билан бўлган учрашувини катта қизил билан қузати. Автомобилсозларнинг ишдан бўш пайтларда тўрт кун социал,

маданий-маиший объектларда ишлаб бериш тўғрисидаги ташаббус бизнинг ишчи ва хизматчиларимизда ҳам қизиктириш уйғотди. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватладик. Биз корхона ишчилари учун уйлар, фарзандлар учун бочқалар қураётган қурувчиларга ақиндан ёр-

дам беришга жазм қилдик. Шундай қилиб, ишчи ва хизматчилар завод реконструкциясида, корхона ақинида қурилаётган спорт-соғломлаштириш комплексида, Хумсонда бунёд этилаётган пионерлар лагерига тўрт кун ишлаб берадилар.

Социалистик мусобақада пешқадамлар сафиди бора-

ётган Абдурахмон Шохидов, Тўра Нормухамедов, Акбар Юсупов, Александр Чемадиев бошчилигидаги бригадалар коллективлари бу ишда ҳам намуна қўратишга қарор қилишди. Улар объектларда ишланган 4 кун мобайнида бутун коллектив билан ёппасига ишта қилиб, 1,5—2 нормадан иш бажаришга сўз берилди.

И. ФАРМОНОВ, «Ўзбекистон» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари.

♦ ДАЛАДА «БИОЛАБОРАТОРИЯ»

Х О С И Л ЖОНКУЯРЛАРИ

БЕКОВОД. Район пахтакорлари бу йил 24 минг гектар майдонда леҳқончилар қилишпти. Шу кунларда барча хўжаликларда тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш учун зарур тадбирлар амалга оширилляпти. Айниқса ғўзаларни соғлом, бақувват, ортагилар қилиб ўстириш борасида агроинженерлар олиб бораётган ишлар нобратлидир.

Ўтган йиллар мобайнида РАСБ мутахассислари иҳолларга катта зиён етказадиган кузги тулмал, фитонормус, ўргичмак кана, ширакаб зараркуналларга қарши, захарли ва зарарли турли химиявий препаратларни қўллаб келадилар. Дори-ларни сотиб олиш ва ишлашга кўп маблағ сарфланади. Натикда пахта тапнарни қимматлашаверадди.

1986 йил бошларида район агросаноат бирлашмаси, ва хўжалиқларнинг бош мутахассислари маслаҳатлашиб ғўзаларга бундай усулда ишлов беришдан воз кечдилар. Энди мавжуд 12 та хўжалиқнинг 10 таси биологик методга ўтказилди. Ҳозир бу ерда марказлашган биофабрика ва унинг иқтисоди филиали ишлаб турибди. Иқлимнинг нормадан паст

бўлиши туфайли турли ҳароратлар экинларга туша бошлади.

Ҳар бир хўжалиқнинг 80—100 гектар майдонига махсус назоратчилар бириктирилган. Улар ўз участкаларидаги ғўзаларни тез-тез қўздан кечириб туришди. Яқинда Навоий номи, Деврижский номи, Ленин коммунист колхозлари, Ойбек, «Далаварини» совхозларида иш олиб бораётган назоратчилар йўл ёқаларида ўсаётган бегона ўтлар, турли даракларга шира, ўргичмак кана, кузги тулма пайдо бўлганлиги ҳақида хабар бердилар. Ҳозирда бу хўжалиқларнинг ана шундай участкаларида биофабрикада тайёрланган трихотрограмма, хабрабракон, олтин кўз қўғиз қўйилди. Фабрика коллективи бу йил қишлоқ хўжалиқ зараркуналлари қушандаси бўлган трихотрограмдан 81 килограмм, хабрабракондан эса 4 миллион 260 минг дона тайёрлайди. Биологик усулдан фойдаланишнинг афзал томони шундаки, бунда атроф-муҳит тоза бўлади, хўжаликларга эса химиявий препаратлардан кўра уч барабар арзонга тушади.

И. ТОШЕВ.

Қардошлик қонуни асосида

ТОШКЕНТ—ЧЕРНОБИЛГА

ОБЛАСТИМИЗ меҳнатқашлари Чернобилда юз берган фалокатни юракдан чўқур ҳис этмоқдалар. Самот корхоналари, колхоз ва совхозларда, ташкилотлар, муассасаларда бўлиб ўтаётган митингларда кишилар қандай мадад керак бўлса шай эканликларини, ҳатто бориб ишлашга ҳам тайёрликларини изҳор этмоқдалар, чернобилликларга ёрдам фондига муносаб ҳисса қўшмоқдалар.

Митинглардан бири област соғлиқни сақлаш бўлимининг марказий касалхонасида бўлиб ўтди.

Дўст қулфалда синалади дейди халқимиз, — дея сўз бошлади касалхона бош врачси Б. У. Топбеков митингнинг очар экан. — Чернобилликлар бошига тушган қайғу ҳақида гапирар эканам, беихтиёр 1986 йилнинг 26 апрелини эслайман. Кучли энгилга туфайли оғир ташвишда қолган тошкентликларга бутун мамлакат ёрдамга олтиди. Бугун пойтахт жамолига қараб тўймайсан, қиши. Бу дўстлигимизнинг кудрати.

Бугун Чернобил ҳам ҳаммамнинг меҳр оғушидадир. Унинг ташвиши бизнинг ташвишимиз, унинг қайғуси бизнинг қайғумиз. Биз шифокорлар авария туфайли хатарли кунларни бошидан кечирган Чернобилга ёрдам

қаллас Камолова, лаборант Райхона Чагаева, хизматчи Бронислава Кравченко, санитарка Нурия Курьева, касалхона комсомол ташкилотининг секретари Дилором Иброҳимова, хўжалик ишлари бўйича касалхона бош врачси ўринбосари Исмаил Муҳамедовлар ҳам чернобилликларга ёрдам фондига ҳисса қўлиш тўғрисидаги фикрга яқин эканликларини билдирдилар.

Ҳаммаслар касалхона ходими Лобов, Соловйеннинг хайрли ишдан беҳад қувондилар. У Чернобил вқеаси туфайли Киевда истиқомат қилаётган дўтосларининг ўғлини ўз оиласи бағрига олди. Ҳозир Киевлик 8 ёшлиқ Вася тошкентлик Соловйлар хонадонига ўз ўртоқлари Андрей, Светлана, Викалар билан бирга қувноқ ҳаёт кечирмоқда.

Бўёк район марказий касалхонаси шифокорлари ҳам митингга тўпландилар. 450 кишидан кўпроқ нажоткор иштирок этган бу йилгилишда авария туфайли боғига ташвиш тушган чернобилликларга ёрдам ҳақида гап борди. Митингда медицина ходимлари касабасоюзи район комитети

раиси Т. Фуломов, район марказий касалхонаси бош врачси М. Тухтабозов, врач З. Раҳмонов, район марказий дорихонаси мудири Ю. Икромов, ҳамширалар М. Балайкина, В. Савиналар сўзга чиқилди.

Шифокорлар Чернобилга ёрдам фондига ўз маошларидан 3 минг сўм ўтказишга қарор қилишди.

Тошкент электротехника алоқа институтини коллективини Чернобил атом электр станциясида рўй берган авария оқибатларини тутатиш ишига муносаб ҳисса қўлиш истагини билдирди. Педагоглар ва студентлар маошлари ва стипендияларининг маълум бир улусини чернобилликларга ёрдам фондига ўтказдилар. Бу ишда айнаикса институт тайёрлов группаси тингловчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Олий ўқув юртининг автоматлашган электр алоқа факультетларида ўтказилган митингга талабалар Чернобилга ўз меҳнатларини билан ҳам ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар.

ДЎСТОНА ВИЗИТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан Испания ҳукумати Раиси Ф. Гонсалес ўртасидаги музокарадан нисхосига етди. Музокарада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. В. Тализов иштирок этдилар.

Ҳар иккида томон музокараларнинг боришдан ўзаро маъмуний низо қилди. Музокаралар турли соҳаларда, шу жумладан сиёсий мулоқотни давом эттириш ва чўқурлаштириш соҳасидаги икки томонлама алоқалар ва ҳамкорлиқни жадал ривож-

ландиришга томонларнинг тайёр эканлигини ҳамда бунинг учун қўшимча имкониятлар мавжудлигини намоён қилиш этди.

СССР билан Испания ўртасидаги иқтисодий ҳамда санат соҳасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш тўғрисидаги протоколини ҳамда СССР билан Испания ўртасида халқаро автомобиль қатнови ҳақидаги битимни имзолаш маросими бўлди.

Имзолаш маросимида Н. И. Рижков ва Ф. Гонсалес, Совет Иттифоқи ҳамда Испаниянинг бошқа расмий кишилари ҳозир бўлилар.

Меҳмон Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди.

Кечқурун Ф. Гонсалес ва унинг рафиқаси ССР Итти-

фои Болшой театрида М. Мусорскийнинг «Борис Годунов» операсини томоша қилдилар.

Н. И. Рижков рафиқаси билан, бошқа расмий кишилар меҳмонлар билан бирга бўлилар.

Шу кунин Испания ҳукуматининг Раиси ва унинг рафиқаси Ленинградга келдилар. Ф. Гонсалес Ғалаба майдонига Ленинграднинг қаҳрамон ҳимоячилари монументини қўздан кечирди ва гуллар қўйди. Испания ҳукуматининг бошчилиги Пискарев мемориал қабристонига да Улуг Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган ленинградликлар ва жангчиларнинг хотирасини ҳурмат билан эста олди ҳамда Олани Ватан монументи пойига гулчамбар қўйди.

Халқ депутатлари шахар Советининг ижроия комитетида меҳмон билан суҳбат бўлиб ўтди.

(ТАСС).

«СОЮЗ ТМ» КОСМИК КЕМАСИ УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1986 йил 21 май кунин Москва вақти билан соат 12 дан 22 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ» тақомиллаштирилган кемасининг учувчисиз варианты учирилди. Кемани учуришдан мақсад мустақил учинида кемани «Мир» орбитал станцияси билан биргаликда комплекс тажриба қилиб пишиктиришдан иборат.

Янги туркум кемалари кўп мақсадларни бажарувчи одам бошқарадиган модул типидидаги комплексларга экиппажларни элтиб қўйишга мўлжалланган. «Союз ТМ» кемаси одам бошқарадиган «Союз Т» кемаси негизига яратилган. Унга янги системалар, шу жум-

ладан яқинлаштириш ва туташтириш, радио алоқаси, аварияда қутқариш системалари, шунингдек янги комбинацияланган мотор қурилмаси ва парашют системаси ўрнатилган.

Кема куйидаги параметрлардаги орбитага чиқариб қўйилди:

— Ер юзидан максимал олсигити — 240 километр;
— Ер юзидан минимал олсигити — 200 километр;
— Айланаш даври — 88,6 минут;
— Оғиши — 51,6 градус.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра кема ички системалар нормал ишлаб турибди.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР СИЁСИЙ МАСЛАҲАТ КОМИТЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши эришил.

ган аҳдлашувга биноан 1986 йил июнь ойининг биринчи ярмида Будапештда бўлади.

(ТАСС).


[illegible]

УЧ ҚИТЪА ЭКРАНИ

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Альберто НГЕМА ОНДО,
кинорежиссёр, (Эквадор Гвинеяси):

— Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг ҳалқаро Тошкент кинофестивалида 1976 йилдан буён мунтазам қатнашиб келаямиз. Шунинг билан таъкидлаш кераки, уч қитъа кинематографияларининг мазкур кинофоруми Африкадаги эдигина ривожланиётган мамлакатларнинг кино санъати ижодкорларини ўқитиш мақсади билан ташкил этилган. Шунинг билан таъкидлаш кераки, уч қитъа кинематографияларининг мазкур кинофоруми Африкадаги эдигина ривожланиётган мамлакатларнинг кино санъати ижодкорларини ўқитиш мақсади билан ташкил этилган. Шунинг билан таъкидлаш кераки, уч қитъа кинематографияларининг мазкур кинофоруми Африкадаги эдигина ривожланиётган мамлакатларнинг кино санъати ижодкорларини ўқитиш мақсади билан ташкил этилган.



учун! деган эзгу широр остига бирлаштирган, уларни ижодий ҳамкорликка даъват этаётган Халқаро Тошкент кинофестивалидан олган ижодий сабоқларим муним аҳамиятга эга бўлди. Бутун ер юзидаги тараққийпарвар инсоният ядро уруши хавфини бартараф қилиш мақсадида сабот билан курашаётган бир пайтда халқлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда кинематографияларнинг роли каттадир. Шу билан кино санъати мамонидаларини «Тинчлик, ижтимоий тараққий ва халқлар озолиги

РЕВОЛЮЦИЯ ХИЗМАТИДА

...СЕРЖАНТ Маргарито Солеро етакчилигида етти нафар жангчи кимсасиз оролчадаги заставада чегарачилик қилишди. Бу — эдигина озолиги қўлга киритган Кубадаги дастлабки заставалардан бири эди. Маргарито Солеро — инкилоб ғалабасини таъминлашда ҳисса қўшган ва оташин жангларда тобланган командир. У Ватанга олий даражада хизмат қилиш нақадар шарафли ва айни пайтда масъулиятли эканигини чуқур ҳис этади. У сафдошларига душман билан қай тарада курашиш кераклигини ўргатади. Уларнинг жасур ва ҳарбий санъатдан хабардор бўлишларига ҳаракат қилиди.

нинг «Гренада: орзулар парвози» лентасини олади-дан бўлса, унда мўъжазига орол — Гренададаги демократик ўзгаришлар ҳужжатлар тили орқали ҳикоя қилинади. Мазкур картина суратта олиниб, монтаж қилишга киришилганида бутун дунёга Вашингтоннинг Гренадага жинояткорона бостириб кирганлиги ҳақидаги хабар тарқалди. Шу тариқа бу ҳужжатли лента АҚШ босқинчиларининг Гренададаги революцион жараёни ваҳишона бостириш ва мамлакатни қайтадан империализм ҳукмронлигига бўйсундириш воқеалари билан яқунланади.

КУБА КИНОСИ

ташлаб» лентасини эслаб ўтиш ўринлидир. Ундан америкалик танили қўшқичи ва киноактёр Гарри Беллафонтенинг интервьоси ўрин олган. У иштирок этган фильмлардан кадрлар, фотосуратлар ва архив материаллари шундай бир узвийликда монтаж қилинганки, томошабинлар бу тараққийпарвар санъаткор-гражданининг ҳаёти ва ижоди ҳусусида тўла тасаввурга эга бўладилар. Бироқ мазкур фильм-портретга АҚШдаги қора танлиларнинг ўз граждандлик ҳуқуқларини талаб қилиб чиққан оммавий намоишлари, уларнинг танили курашчиси Мартин Лютер Кингнинг оташин нутқлари уйғунлаштирилганки, бу картинанинг жанр доирасини кенгайтириб, унга ижтимоий фойда эълан қилиш характерини берган.

Ҳозирги давр Куба киносининг ўзига хос ютуқларини белгилловчи бошқа бир жиҳати, бу — унинг ўткир сийёси йўналишга эга эканидир. Мисол учун режиссёр Ригоберто Лопес-

Кубада юз бераётган улкан ижтимоий воқеа-ҳодисаларни чуқур идрок этиш ва улар юзасидан кенг миқёсда мулоҳаза юритиш — бутун-ти Озолиги ороли кинематографиясининг ўзига хос қиёфасини белгилловчи фазилатдир. Бу, айниқса, Мануэль Эррера, Педро Часкел, Луис Фелинг Бернас, Томас Октавио Гомес, Роланд Гутеррес Ама, Мануэль Диас ва бошқа режиссёрларнинг турли мавзу ва жанрларда яратган картиналарида ёрқин намоён бўлмоқда.

Кубалик кинематографиячилар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг III халқаро Тошкент кинофестивалидан бошлаб бу ижодий кўриқда фалол иштирок этиб келишмоқда. Уч қитъа кино санъати усталарининг IX халқаро анжуманида Озолиги ороли санъаткорлари «Давид учун қаллик» бадий фильми ва «Болаликни нима қилдингиз», «Қўшилар», «Кўлда», «Йўлдан бошлар» қисқа метражли картиналарини намоиш қилмоқдалар. Ўйлаймизки, бу экран асарлари ҳам фестивалда қатнашчилари ва барча томошабинларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлади.

Р. ГАНИЕВ.

ДЎСТОНА СУҲБАТ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IX Халқаро кинофестивалида қатнашиш учун Тошкентга келган Хиндистон республикасининг мустақил статуста эга бўлган ахборот ва радиозинтириш давлат министри Н. Гадгилни 21 май кунини ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев қабул қилди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Халқаро кинофестивалида иштирок этаётган Мадагаскар Демократик Республикаси ахборот, идеологик йўналиш ва кооперативлар министри Пьер Симонни 21 май кунини ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. У. Султонова қабул қилди.

(ЎЗАТАГ).

□ Уч қитъа мамлакатларининг IX халқаро Тошкент кинофестивали қизгин давом этмоқда. Киноанжуман қатнашчилари ва меҳмонлари ўзларининг бадий ва қисқа метражли ҳамда ҳужжатли картиналарининг намоиш қилиш билан бирга республикамиз пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишмоқдалар, ўзаро ижодий суҳбатда бўлмоқдалар. Суратларда: (юқорида) ҳаммасб дастлар—Орландо Корассио (Чили), Латиф Файзиев (Ўзбекистон), Сосар Альборес (Эквадор), Рафаэль Варгас (Никарагуа) учрашуви; фестивал қатнашчилари В. И. Ленин номи майдонда.

А. Зуфаров ва ЎЗАТАГ фотолари.



САНЪАТИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

НАФОСАТ ТАРҒИБОТЧИСИ

ЎЗБЕКИСТОН ёшлари ва умуман санъатга, эстетик тарбияга дахлдор кишилар шу соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган олим, фалсафа фанлари доктори Тилаб Маҳмудовни яхши биладилар. Унинг «Расом истеъдоди ва жамияти», «В. И. Ленин ва эстетиканинг айрим масалалари», «Гўзаллик ва ҳаёт», «Ўзбекистон ранг тасвири эстетикаси» монографиялари, «Абдулҳақ Абдуллаев» альбому ва бошқа асарлари кўпчилида гўзаллик фанига меҳр уйғотди.

ундаги жамоат ишларига бўлган ихлол ва активлиги кучайтиришда ҳам ердмаларини аямасдилар.

Бир неча йиллар давомида Ўзбекистон расмолар союзи раъисининг санъатшунослик ва тасвирий санъат масалалари бўйича секретари лавозимиде ишлар экан Т. Маҳмудов бевоиста амалий иш жараёнида ўзи танлаган соҳанинг сирларини янада пухтароқ ағаллади. Илмий анжуманларда, турли конференцияларда салмоқли доқладлар билан чиқди. Айни пайтда тадиқот ишларини изчил давом эттирди. Унинг илмий тўпламлари фақат Тошкентда ёки Москвадагина эмас, Будапештда, Берлинда ҳам нашр этилди.

Илм-фан йўлида қилинган машаққатли меҳнат Тилаб Маҳмудовни камолот сари етаклади. Олим қатор илмий монографиялари учун тарки инсон, ёшлар устозини сифатида алоҳида ҳурмат қилсалар, минглаб теле-томошабинлар уни нафосатнинг тарғиботчиси сифатида қадрлайдилар.

Бу иззат-қиромга Т. Маҳмудов илм борасидаги самалари меҳнати туфайли эришди. Унинг ҳаёт йўлини ана шу меҳнат ва мақсад сари астойдил интилиш белгилади. Тошкент Давлат университетида, Москвадаги СССР Расмол анжуманининг аспирантурасида билим олаётгандаёқ ўткир зехни, эстетика ва тасвирий санъатга бўлган иштиёқи билан ажралиб турган ёш Тилабни орзуларнинг рўёбга чиқишида академиянинг таниқли олимаси Нина Александровна Димитриева ва Т. Маҳмудовнинг амакиси портретчи-расмол А. Абдуллаевнинг ҳиссаси катта бўлди. Бўлажак олим тасвирий санъатни чуқур ҳис этиш ва у ҳақда фикрлашни шулардан ўрганди. Қолаверса устозлар

ТОШКЕНТДА

СИМПОЗИУМ ОЧИЛДИ

20 май кунини Тошкентда «Вирусли гепатитлар ва жигар патологияси» мавзусида совет-француз симпозиуми очилди. Совет Иттифоқи ва Франциянинг кўпгина илмий марказларидан келган таниқли вирусологлар, эпидемиологлар, инфекционистлар шу масалаларга қарши курашнинг ақтуал проблемаларини муҳокама қилдилар. (ЎЗАТАГ).

ЎРИНЛИ ТАЪНАЛАР

◆ «ПАХТАКОР» футболчилари чемпионатнинг навбатдаги тур учрашувини ўз майдонларида Никополнинг «Колос» командаси билан ўтказиб, 2:0 ҳисобида ғолиб келишди. Тўпларни 6 ва 25 минутларда Айдар Зейтулдаев киритди. Ҳозирда футболчиларимиз 12 ўйиндан сўнг 13 очко тўплаб саккизинчи ўринни эгаллаб туришибди. «Пахтакор» сўнгги учрашувда ғолиб келган бўлса ҳам, унинг бугунги кундаги аҳоли қанотлан-тирмайди.

Уйин туташтириш бажаришда янада руҳлантирди.



Янгиёул шаҳридаги уй-жой ҳўжалиги трести қопида ташкил этилган «Исконка» ўсмирлар спорт клубида

ЎЗБЕКИСТОН XX СПАРТАКАДАСИ

ларнинг команда раҳбарлари ва ўйинчилари билан учрашув бўлиб ўтди. Гарниал бу учрашув бундан аввал «Металлург» командаси билан бўлган ўйиндан кейин ўтказилиши режалаштирилган бўлса-да, команда раҳбарлари айди билан кечистирилган эди. Кўпсонли мухлислар «Пахтакор» раҳбарлари ва ўйинчилари шашини ҳаққи таъналар билдиришди. «Пахтакор»нинг аввалги шўхратини тиклашни, умуман республикамизнинг етакчи командасига лойиқ ўйин кўрсатишни талаб қилишди. Пахтакорчилар кейинги учрашувларда мухлис-лар ишончини оқлагаша ваъда бердилар.



150 дан ортиқ турли ёшдаги болалар Сир неча спорт тури билан шугулланила. Суратда: клуб ёш шахмат ва шашкилари мусобақаси пайти.

ҚЎШ ҒАЛАБА

◆ В. С. МИТРОФАНОВ номли сув спорт саройида Ўзбекистон XX спартакиада-си программаси асосида ўтказилган сувга сакраш мусобақалари ниҳоясига етди.

Тошкент области вакиллари 314 очко тўплаб, биринчи ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўринларини Тошкент шаҳри ва Бухоро области командалари эгаллади. Шахсий биринчиликда олмалиқлик В. Асеев трамплинда ҳамда баландликдан сувга сакраш бўйича ғолиб чиқди. Айлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда баландликдан сакраш бўйича Бухоролик С. Ликова, трамплиндан сакраш бўйича эса тошкентлик А. Унгурияларга тенг келадигани бўл-мади.

КАМОНЧИЛАР БАҲСИ

◆ НАМАНГАН шаҳрида камондан отиш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унда пойтахт шаҳри командаси ғолиб чиқди. Областимиз вакиллари туртинчи ўринни қўлга киритишди.

АТИГИ УЧ КОМАНДА


◆ «СПЛАВ» спорт клубининг сузиш бассейнида Тошкент области оспартакиада-си программаси асосида мусобақалар бўлиб ўтди. Унда фақатгина Чирчиқ, Олмалик, Ангрэн шаҳарларининг 69 спортчиси иштирок этди, холос. Умумкоманда ҳисобида Чирчиқ шаҳар спортчилари ғолиб чиқди.

Редактор ўринбосари С. МУСАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЗАРЯ» БУДИЛЬНИГИ

«Заря» билан сафарга



Бу будильник поездларга, муҳим кенгашларга етиб боришда сизни вақтида уйғонишингиз учун ўз овози билан огоҳлантиради.

23 дона тошдан иборат марказий сигналли стрелка урилатилган «ЗАРЯ» будильникни меҳаник тарзида ишлайди. Унинг корпуси рангли пластмассада ўзига хос чиройли қилиб ишланган.

Бу соат икки хил қўрнинида ишланган: столга қўйил-диган ва деворга осландиган. Ваҳоси — 12 сўм.

ПЕНЗАДАГИ «ЗАРЯ» СОАТСОЗЛИК ИШЛАБ ЧИ-ҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ФОЙДАЛИ ВА ҲУЗУРБАХШ

Магазинлар пештахталарида пайдо бўлган янги маҳсулот-мева қотейли — шарбатларини ана шундай таъриф-лаш мумкин.

Бу шарбат олма, узум, олча, шафтоли ва бошқа мевалардан тайёрланган бўлиб, унинг таркибида инсон саломатлиги учун шифобахш талай моддалар бор.

Бир умр соғлом, бардам, тетик, ишчан бўлишни ўйлаган киши ҳар кунини бирор-станан бундай шарбатдан истеъмол қилиб турса гоятда фойдали-дир.

«РЕКЛАМА» марказий агентлиги.
«СОЮЗТОРРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИНИНГ 243-ЗАВОД
АВАЗСИДАГИ
20-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1986—1987 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

учини аппаратларини соловчи слесарь, авиадигател-ларини соловчи-слесарь, учини аппаратлари ускуналари ва ремонт бўйича электромонтажчи, газ-электр пайвандчи, кенг профилли станокчи.

8-синф ҳажмида маълумотлар учун ўқини муддати 3 йил. Ўрта маълумотлар учун эса ўқини муддати бир йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8-10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ИНИТИ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганлар гражданд авиациясининг 243-авиаремонт заводига ишга жойланади.

Завод хизматчилари гражданд авиацияси учун белги-ланган ҳамма имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида 3 йил ўқийдиган ўқувчилар тўла дав-лат таъминотида бўладилар. Бир йил ўқийдиганларга эса ҳар ойда 80 сўм ҳажмида стипендия берлади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процентини ола-дилар.

Билим юртида ҳар хил тўрақлар ва спорт секция-лари, вокал-чолғу ансамбли, мотоклуб, радиотехника сек-цияси ва ўқутиш секциялари мавжуд. 16 ёшга тўлган ўқувчилар авиаклубга қабул қилинади.


Билим юртини муваффақиятли битирганлар гражданд авиацияси институтлари ва билим юртлари ҳамда ҳарбий билим юртига ўқишга жойланади.

Ўқини кирувчилар қўйидаги ҳужжатларини топшириш-лари шарт: билим юрти директори номига ариза, тутилган лиги тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги ҳуж-жат, ота-онанинг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкиси, тура-ройидан справка, 5 дона 3х4 см., 3 дона 6х4 см. ҳажмидаги фотосурат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, (25, 66, 61. 40 а-автотўловнинг «Транспорт институти» бекати). Телефонлар: 99 96 46, 99 94 50.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъуд секретарь — 331808, 325353; секрета-рият — 325750, БУЛИМЛАР: ҳаёт ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилыш ва транспорт — 325556; қишлоқ ҳўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги на-батчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

